

Қибла

12:15 / 11.09.2017 4977

Савол:

Ассалому алайкум! Қибла томонга оёқни узатиб ухлаш мумкинми? Ёки қандай ҳолларда мумкин ёки мумкин эмас?

Жавоб:

["Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати](#)

Ва алайкум ассалом!

Ҳар бир динда ўз шариатининг шиори саналган нарсалар ва амаллар бордир. Уларнинг таъзимини жойига қўйишни, ҳар бир ўша дин вакили ўзининг бурчи деб билади. Каъба Ислом шиорларидан бўлиб, уни таъзимини жойига қўйишга буюрилганмиз. Унинг таъзимини тарк қиладиган ҳар бир ҳаракат жоиз эмас. Валлоҳу аълам!